
Учкўприк тумани Мудофаа ишлари бўлими ходимларига замонавий компьютерлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Учкўприк тумани Мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан учрашув ташкил этилди.

Учрашув аввалида туман ҳокими Қодиржон Эркабоев, туман прокурори Ўқтамжон Йўлчиев, туман ҳокими ўринбосари Шуҳратжон Позилов бўлим ходимларини байрам билан самимий қутлаб, уларнинг самарали фаолиятини алоҳида эътироф этишди.

Мамлакат таянчи ва ҳалқимиз фахри бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни ҳудудларда самарали татбиқ этишда Мудофаа ишлари бўлими ходимларининг меҳнати мухим ўрин тутиши қайд этилди.

Бўлим ходимларининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида уларга замонавий компьютерлар тўплами топширилди.

2025-01-17 09:48:24